



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 13 » март

№ I55

Toshkent sh.

Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ресурсларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарори ижросини таъминлаш, сув хўжалиги соҳасида илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-куватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Сув хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ҳар йилги Инвестиция дастурини шакллантириш жараёнида асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида келгуси йилларда амалга ошириладиган сув хўжалиги обьектларини куриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш учун лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда қўшимча маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган маблағларнинг 50 фоизини лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтиришни, қолган 50 фоизи эса Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўtkазилишини ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қиласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “13 март даги 155-сон қарорига
илова

**Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини
илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ва
молиялаштириш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

сув хўжалиги объекти – сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув обьекти;

ирригация обьектлари – сув ресурсларини бошқариш, тўплаш ва уларни сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларга етказиш, сугориладиган ерларни сув билан таъминлашга кўмаклашадиган, гидроузеллар, сув оқимини йўналтириш, дарёлар ва каналлар ўзанларини ҳимоя қилиш, сув омборлари, сел-сув омборлари, ирригация тизими каналлари ва сугориш тармоқлари иншоотлари билан, насос станциялари, сугориш вертикал кудуклари, сув олиш, сув ташлаш, сув чиқариш ва бошқа иншоотларни ўз ичига оладиган сув хўжалиги обьектлари;

мелиорация обьектлари – коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни сугориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж кудукларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги обьектлари.

3. Сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича олиб бориладиган лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган ихтисослаштирилган лойиҳа гурӯҳи (кейинги ўринларда Лойиҳа гурӯҳи деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Лойиҳа гурӯҳига фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, алоҳида олимлар жалб қилиниши мумкин.

4. Лойиҳа гурӯҳи сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишда куйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

ишлаб чиқилаётган лойиҳа топшириклари ва лойиҳаолди ҳужжатлари сифатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

курилиш обьектидаги мавжуд ҳолат тўғри баҳолангандиги ва муаммолар тўғри аниқланганлигини ўрганиш;

loyiҳa бўйича амалга оширилган дала қидирув ишларининг сифати ва тўлиқлигини таҳлил қилиш;

геологик, гидрологик ва гидрогеологик маълумотларнинг сифатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

муаммоларнинг ечими юзасидан қабул қилинган варианtlар тўғри танланганлигини, қабул қилинган якуний ечимнинг илмий-техник жиҳатдан асосланганлигини, замонавий курилиш материаллари, ресурс тежамкор технологиялар ва техниканинг қўлланилганлигини таҳлил қилиш;

намунавий сув хўжалиги обьектлари бўйича маълумотлар ва илғор хорижий тажрибадан фойдаланганлик даражасини ўрганиш;

сув хўжалиги обьектининг ишончли ва хавфсиз ишлаши чоралари кўрилганлиги, шунингдек, атроф муҳитга таъсирининг баҳолангандиги, муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақаларнинг ажратилганлигини қўриб чиқиш;

loyiҳaларнинг дастлабки рўйхатларини шакллантириш ва лойиҳа-қидирув ишлари жараёнида лозим ҳолларда обьектга чиқиш ва ўрганиш, муаммоли лойиҳалар бўйича маҳсус илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан “Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналарига (кейинги ўринларда “Сувқурилишинвест” ДУК деб аталади) таклифлар киритиш;

илмий-техник жиҳатдан кузатиш натижалари бўйича асосланган хулоса ва таклифлар бериш.

Лойиҳа гурӯҳи лойиҳа хўжатларини ишлаб чиқиш бўйича танлов (тендер) асосида аниқланган бош лойиҳа ташкилоти (кейинги ўринларда бош лойиҳа ташкилоти деб аталади) билан шартномага асосан лойиҳаларни амалга оширишда илмий-техник кузатув ва бошқа ишларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5. Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш

6. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари:

келгуси йилда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ирригация ва мелиорация тадбирлари дастурларини шакллантириш учун устувор лойиҳаларни танлашда жойлардаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш талабини ҳар бир лойиҳа бўйича аниқлайди ва илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхатини ҳар йили 25 марта қадар шакллантириради. Ушбу рўйхатни шакллантиришда тегишли лойиҳа ташкилотлари ва Лойиҳа гуруҳини жалб қилиши мумкин;

ушбу рўйхатга алоҳида илмий-техник ечим ва асослаш талаб этиладиган (намунавий бўлмаган) гидроузеллар, сув омборлари, сел-сув омборлари, насос станциялари, ирригация тизими каналлари ва суғориш тармоқлари, гидротехника иншоотлари, вертикал суғориш қудуқлари, коллекторлар ва коллектор-дренаж тармоқлари, вертикал дренаж қудуқлари, мелиорация насос станциялари (агрегатлари) ва кузатув тармоғи ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари киритилади;

илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхатини асословчи маълумотлар билан биргаликда ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) тақдим қиласди.

7. Вазирлик:

Лойиҳа гуруҳи билан биргаликда тақдим қилинган илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхатини ва асословчи маълумотларни ҳар йили 15 апрелга қадар таҳлил қиласди;

Вазирликнинг сув хўжалиги масалалари бўйича Тармоқ илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда Тармоқ илмий-техник кенгаши деб аталади)нинг йиғилишларида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳалар бўйича тақдимотларини ҳар йили 25 апрелга қадар ўтказади ва муҳокама қиласди;

Тармоқ илмий-техник кенгашининг йиғилишларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Курилиш вазирлиги ҳамда манфаатдор бошқа вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларини таклиф этади;

лойиха-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш учун ажратиш талаб этиладиган маблағнинг дастлабки микдорини белгилашда қуриладиган ва реконструкция қилинадиган сув хўжалиги объектнинг категорияси, жойлашган манзили, геологик, гидрогелогик, гидрологик ва бошқа тупроқ-иклим шароити, объект муқобилининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, дастлабки умумий қиймати ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб Лойиха гуруҳининг асосланган таклифларини эътиборга олади;

лойиха-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг якуний рўйхатини ишлаб чиқади ва лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматига қўшимча ажратиш талаб этиладиган маблағларнинг дастлабки қийматини кўрсатган ҳолда ҳар йили 1 майга қадар Тармоқ илмий-техник кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқлайди.

8. Вазирлик тасдиқланган Тармоқ илмий-техник кенгашининг қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)га “Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда “Сувқурилишинвест” ДУК деб аталади) томонидан келгуси йилда сув хўжалиги объектларида қурилиш ва реконструкция қилиш бўйича амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация тадбирларининг лойиҳа-қидирув ишлари манзилли рўйхатлари (кейинги ўринларда манзилли рўйхатлар деб аталади)ни ишлаб чиқиш учун юборади.

9. “Сувқурилишинвест” ДУКлар:

манзилли рўйхатларни ишлаб чиқиб, лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача микдори ҳисобига илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларнинг дастлабки қийматларини кўрсатади;

ишлаб чиқилган манзилли рўйхатларни ҳар йили 10 майга қадар Агентликка белгиланган тартибда келишиш учун тақдим қиласди.

10. Агентлик ҳар йили 15 майга қадар “Сувқурилишинвест” ДУКлар томонидан тақдим қилинган манзилли рўйхатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, келишгандан сўнг тасдиқлаш учун Вазирликка тақдим қиласди.

11. Вазирлик:

ҳар йили 25 майга қадар манзилли рўйхатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига киритган ҳолда келишади ҳамда тасдиқлайди;

тасдиқланган манзилли рўйхатларни ижро учун Агентликка тақдим қиласди.

12. Агентлик тасдиқланган манзилли рўйхатларни ҳар йили 1 июнга қадар ижро учун “Сувқурилишинвест” ДУКларга тақдим қиласди.

3-боб. Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш бўйича шартномаларни расмийлаштириш ва молиялаштириш

13. “Сувқурилишинвест” ДУКлар:

тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан ҳар бир лойиҳа бўйича лойиҳа-қидирув ишларини бажариш учун танлов (тендер) асосида бош лойиҳа ташкилотини аниқлади ва у билан тегишли шартномани тузади;

шартномага лойиҳа-қидирув ишлари бўйича илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш учун лойиҳа-қидирув ишларини бажариш жараёнида тайёрланган материалларни асословчи ҳужжатлар ва ҳисоб-китоблар билан биргаликда Лойиҳа гурухига тақдим қилиб бориш жадвалини илова қиласди;

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳар бир лойиҳа-қидирув ишлари бўйича Лойиҳа гурухи томонидан илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузади. Шартномага лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни амалга ошириш жадвалини илова қиласди;

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг маҳсус шахсий ғазна ҳисобварагига шартнома асосида олдиндан 15 фоиз бўнак маблағларини тўлайди;

шартнома бўйича қолган тўловларни Лойиҳа гурухининг “Сувқурилишинвест” ДУК ва бош лойиҳа ташкилотига тақдим қилинадиган хулоса ва таклифлар ҳамда расмийлаштирилган далолатнома ҳисоб-фактура асосида амалга ошириб боради;

14. “Сувқурилишинвест” ДУКлар сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича барча лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача микдорининг 50 фоизини шартнома асосида вазирлик хузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказади. Бунда ушбу маблағлар факат сув хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштиришга ҳамда республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига грантлар ажратиш учун сарфланади.

4-боб. Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш

15. Бош лойиҳа ташкилоти лойиҳа-қидирув ишларини бажариш жараёнида тайёрланган материалларни асословчи ҳужжатлар ва ҳисоб-китоблар билан “Сувқурилишинвест” ДУК билан тузилган шартномага илова қилинган жадвал бўйича Лойиҳа гурухига илмий-техник жиҳатдан кузатиш учун тақдим қилиб боради.

Бунда тақдим этиладиган хужжатлар электрон шаклда Лойиҳа гурухининг электрон почта манзилига юборилади.

16. Лойиҳа гуруҳи:

“Сувқурилишинвест” ДУКлар билан тузилган шартномага асосан ҳар бир лойиҳа-қидирав ишини илмий-техник жиҳатдан кузатиш учун маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, уларнинг соҳа бўйича профессор-үқитувчилари, илмий ходимларини ҳамда юқори тажрибага эга бўлган алоҳида олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қиласди, иш режасини тузади ва тасдиқлайди;

бош лойиҳа ташкилоти томонидан тақдим қилинган лойиҳа-қидирав ишлар, материаллар ва ҳисоб-китобларни ҳамда қабул қилинаётган технологик ечимларни илмий-техник жиҳатдан асосланганлигини, замонавий қурилиш материаллари, ресурс тежамкор технологиялар ва техниканинг кўлланилишини таҳлил қиласди, тегишли хulosалар ва таклифлар тайёрлайди;

зарур ҳолларда қурилиш обьектини жойида қўшимча равишда ўрганиади;

тақдим этилган хужжатларни шартномада белгиланган муддатларда кўриб чиқади. Хужжатларни ўрганиш учун қўшимча мутахассисларни жалб этиш, қўшимча маълумотлар талаб этилганда ва бошқа ҳолларда “Сувқурилишинвест” ДУКлар билан келишган ҳолда ўрганиш муддати узайтирилиши мумкин;

бош лойиҳа ташкилоти томонидан қабул қилинган технологик ечимлар етарлича илмий-техник жиҳатдан асосланмаган ва бу борада илмий асослар ва тажрибалар, жумладан, хорижий тажриба етарли бўлмаган ҳолларда бу борада алоҳида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш лозимлиги юзасидан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига таклифлар тайёрлайди;

тайёрланган хulosалар ва таклифларни “Сувқурилишинвест” ДУК ва бош лойиҳа ташкилотига белгиланган тартибда тақдим қилиб боради.

Лойиҳа гуруҳи илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини шартномаларда белгиланган муддатларда бажаришга ҳамда натижалари бўйича тайёрланган хulosа ва таклифларнинг асосланганлигига масъулдир.

17. Бош лойиҳа ташкилоти:

Лойиҳа гурухининг илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари натижаси бўйича берган хulosалари ва таклифларини биргаликда таҳлил қиласди ҳамда хulosа ва таклифлар етарлича асосланган деб топилганда лойиҳа-қидирав ишларини такомиллаштириш учун қабул қиласди;

илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари натижаси бўйича тақдим қилинган хulosа ва таклифлар етарлича асосланмаган тақдирда уни Лойиҳа

гурухининг тегишли экспертлари билан муҳокама қилади ва тегишли қарор қабул қилади;

тегишли экспертлар томонидан илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари натижаси бўйича тақдим қилинган хulosса ва таклифлар маъқулланмаган тақдирда ушбу хulosани қайта кўриб чиқиш учун Лойиҳа гурухига юборади;

илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари якунланган лойиҳа-қидирав ишларини белгиланган тартибда “Сувқурилишинвест” ДУКга тақдим қилади.

Бош лойиҳа ташкилоти Лойиҳа гурухининг илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари натижаси бўйича асосланган хulosалар ва таклифлари бўйича лойиҳа-қидирав ишларининг сифатини яхшилашга масъулдир.

18. “Сувқурилишинвест” ДУКлар:

бош лойиҳа ташкилотлари ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан тузилган шартномалар ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб боради;

бош лойиҳа ташкилоти томонидан якунланган лойиҳа ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари бўйича хulosалар ва таклифлар билан биргаликда кўриб чиқади ҳамда идоравий ва давлат экспертизасидан ўтказади;

экспертиза хulosалари олинган лойиҳа ҳужжатларини Вазирликнинг Тармоқ илмий-техник кенгаши муҳокамасига киритиш учун Агентликка тақдим қилади.

“Сувқурилишинвест” ДУКлар бош лойиҳа ташкилотлари ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан тузилган шартномаларга кўра бажарилган ишларни ўз вақтида молиялаштириб бориш ҳамда сифатли қабул қилишга масъулдир.

19. Агентлик экспертиза хulosаси олинган лойиҳа-қидирав ишлари ҳужжатларини икки кун муддатда Тармоқ илмий-техник кенгашида кўриб чиқиш учун Вазирликка тақдим қилади.

20. Вазирлик:

экспертиза хulosалари олинган лойиҳа-қидирав ишлари ҳужжатларини икки кун мобайнида Лойиҳа гурухининг раҳбари ва тегишли экспертларини таклиф қилган ҳолда Тармоқ илмий-техник кенгашида муҳокама қилади;

Лойиҳа гурухи ва бош лойиҳа ташкилоти ўртасида лойиҳа-қидирав ишлари юзасидан юзага келган келишмовчиликларни кўриб чиқади ҳамда лойиҳани амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

Вазирлик илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари натижасини ва лойиҳа-қидирав ишларининг сифатини таҳлил қилиб бориш ҳамда ушбу тизимнинг самарадорлигини ошириш юзасидан масъул ҳисобланади.

21. Сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойихаолди хўжжатларини (техник-иктисодий асос ёки техник-иктисодий ҳисоб-китоб) ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқлаш қонун хўжжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиха-қидибув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари учун “Сувқурилишинвест” ДУКлар томонидан Лойиха гурухига тўлаб берилган маблағларни ишлатиш, жалб қилинган маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, уларнинг соҳа бўйича профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва юқори тажрибага эга бўлган мутахассислари билан шартнома асосида ҳисоб-китоб қилишни, хизмат сафарлари харажатларини қоплашни назарда тутувчи тартиб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланади.

21. Лойиха-қидибув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари бўйича тузилган шартнома бўйича низолар томонларнинг ўзаро келишувига кўра, агар келишувга эришилмаса суд тартибида ҳал қилинади.

22. Сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиха-қидибув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хўжжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирав
ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш
ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирав ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни
ташкил этиш ва молиялаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар

Субъектлар

Чора-тадбирлар

Муддатлар

1-боскич

Қорақалпоғистон
Республикаси Сув
хўжалиги вазирлиги,
ирригация тизимлари ҳавза
бошқармалари

- Келгуси йилда сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция килиш бўйича ирригация ва мелиорация тадбирлари дастурларини шакллантириш учун устувор лойиҳаларни танлашда илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш талабини ҳар бир лойиҳа бўйича аниклади ва илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхатини шакллантиради.
- Илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхатини асословчи маълумотлар билан биргалиқда Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қиласди.

Ҳар йили
25 марта қадар

2-боскич

Сув хўжалиги вазирлиги

- Лойиҳа гуруҳи билан тақдим қилинган илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг дастлабки рўйхатини ва асословчи маълумотларни таҳлил қиласди.

Ҳар йили
15 апрелга қадар

- Тармоқ илмий-техник кенгашининг йигилишларида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг лойиҳа-қидирав ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳалар бўйича тақдимотларини ўтказади ва муҳокама қиласди.



Ҳар йили
25 апрелга қадар

- Лойиҳа-қидирав ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш талаб этиладиган лойиҳаларнинг яқуний рўйхатини ишлаб чиқади ва лойиҳа-қидирав ишлари умумий қийматига кўпимча равишда ажратиш талаб этиладиган маблағларнинг



Ҳар йили
1 майга қадар

		<p>дастлабки қийматини кўрсатган ҳолда Тармоқ илмий-техник кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқлайди.</p> <p>4. Тасдиқланган Тармоқ илмий-техник кенгашининг қарорини Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ва “Сувқурилишинвест” ДУКларга келгуси йилда сув хўжалиги объектларида курилиш ва реконструкция қилиш бўйича амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация тадбирларининг лойиҳа-кидирув ишлари манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш учун юборади.</p>	<p>Рўйхат тасдиқлангандан сўнг 3 кун мобайнида</p>
3-босқич	“Сувқурилишинвест” ДУКлар	<p>1. Манзилли рўйхатларни ишлаб чиқиб, лойиҳа-кидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдори ҳисобига илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларнинг дастлабки қийматларини кўрсатади.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган манзилли рўйхатларни Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига белгиланган тартибда келишинш учун тақдим қиласди.</p>	<p>Ҳар йили 10 майга қадар</p>
4-босқич	Сув хўжалиги соҳасидаги loyiҳalарни амалга oshiриш agentligi	<p>“Сувқурилишинвест” ДУКлар томонидан тақдим қилинган манзилли рўйхатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, келишгандан сўнг тасдиқлаш учун Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қиласди.</p>	<p>Ҳар йили 15 майга қадар</p>
5-босқич	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	<p>1. Манзилли рўйхатларни Молия вазирлигига ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига киритган ҳолда келишади ҳамда тасдиқлайди.</p> <p>2. Тасдиқланган манзилли рўйхатларни ижро учун Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига тақдим қиласди.</p>	<p>Ҳар йили 25 майга қадар</p>
6-босқич	Сув хўжалиги соҳасидаги loyiҳalарни амалга oshiриш agentligi	<p>Тасдиқланган манзилли рўйхатларни ижро учун “Сувқурилишинвест” ДУКларга тақдим қиласди.</p>	<p>Ҳар йили 1 июнга қадар</p>
	“Сувқурилишинвест”	<p>1. Тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан ҳар бир лойиҳа</p>	<p>Шартномаларга илова</p>

7-босқич	ДҮКлар	<p>бўйича лойиха-қидирав ишларини бажариш учун бош лойиха ташкилоти билан тегишли шартномани тузади.</p> <p>2. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти билан ҳар бир лойиха-қидирав ишлари бўйича Лойиха гурӯҳи томонидан илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузади ҳамда белгиланган тартибда молиялаштиради.</p>	қилинган жадвал бўйича
8-босқич	Бош лойиха ташкилоти	<p>Лойиха-қидирав ишларини бажариш жараёнида тайёрланган материалларни асословчи ҳужжатлар ва хисоб-китоблар билан биргаликда Лойиха гурӯҳига илмий-техник жиҳатдан кузатиш учун тақдим қилиб боради.</p>	Шартномаларга илова қилинган жадвал бўйича
9-босқич	Лойиха гурӯҳи	<p>1. Ҳар бир лойиха-қидирав иши юзасидан илмий-техник жиҳатдан кузатув ишларини амалга ошириш учун маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, уларнинг соҳа бўйича профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда юқори тажрибага эга бўлган алоҳида олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қиласди.</p> <p>2. Тақдим қилинган лойиха-қидирав ишлари, материаллар ва хисоб-китобларни ҳамда қабул қилинаётган технологик ечимлар илмий-техник жиҳатдан асосланганлигини, замонавий курилиш материаллари, ресурс тежамкор технологиялар ва техниканинг ишлатилишини таҳлил қиласди, тегишли хulosалар ва таклифлар тайёрлайди.</p> <p>3. Тайёрланган хulosалар ва таклифларни “Сувқурилишинвест” ДҮК, шунингдек, бош лойиха ташкилотига белгиланган тартибда тақдим қилиб боради.</p>	Шартномаларга илова қилинган жадвал бўйича
10-босқич	Бош лойиха ташкилоти	<p>1. Лойиха гурӯҳига лойиха-қидирав ишлари, материаллар ва хисоб-китобларни белгиланган муддатларда тақдим қилиб боради.</p> <p>2. Лойиха гурӯҳининг илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари натижаси бўйича берган хulosалари ва таклифларини биргаликда таҳлил қиласди ҳамда лойиха-қидирав ишларини такомиллаштириш учун қабул қиласди.</p>	Шартномаларга илова қилинган жадвал бўйича



3. Хулосалар ва таклиф етарлича асосланмаган тақдирда уларни Лойиҳа гурухининг тегишли экспертлари билан мухокама қиласи ва тегишли қарор қабул қиласи.
4. Илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари якунланган лойиҳа-қидирав ишларини белгиланган тартибда “Сувқурилишинвест” ДУКга тақдим қиласи.




“Сувқурилишинвест”
ДУКлар

1. Бош лойиҳа ташкилотлари ҳамда Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан тузилган шартномалар ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб боради.
2. Якунланган лойиҳа-қидирав ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишлари бўйича таклифлар ва хулосалар билан биргаликда кўриб чиқади ҳамда идоравий ва давлат экспертизасидан ўтказади ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг Тармоқ илмий-техник кенгашида мухокама қилиш учун Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига тақдим қиласи.

Шартномаларга илова
қилинган жадвал
бўйича


Лойиҳа-қидирав ишлари
тақдим қилингандан сўнг
бир ой мобайнида



Сув хўжалиги соҳасидаги
loyiҳаларни амалга
oshiiriш агентлиги

Экспертиза хулосаси олинган лойиҳа-қидирав ишлари хужжатларини Тармоқ илмий-техник кенгашида кўриб чиқиш учун Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қиласи.

Лойиҳа-қидирав ишлари
тақдим қилингандан
икки кун ичida



Сув хўжалиги вазирлиги

1. Экспертиза хулосалари олинган лойиҳа-қидирав ишлари хужжатларини белгиланган тартибда Тармоқ илмий-техник кенгашида мухокама қиласи.
2. Лойиҳа гурухи ва бош лойиҳа ташкилоти ўртасида лойиҳа-қидирав ишлари юзасидан юзага келган келишмовчиликларни кўриб чиқади ҳамда лойиҳани амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қиласи.

Лойиҳа-қидирав ишлари
тақдим қилингандан сўнг
икки кун мобайнида

